

ҲОФИЗ ИБН КАСИРНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институтининг “Ҳадис ва ислом тарихи фанлари”
кафедраси катта ўқитувчиси
Ғиёсов Асқар Тиркашевич*

ҲОФИЗ ИБН КАСИР ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

У киши имом, ҳофиз, муҳаддис, тарихчи бўлиб, асл исмлари Исмоил ибн Умар ибн Касир ад-Димашқий аш-Шофийий, кунялари эса Абул Фидодир. ҳижрий 700, милодий 1301 йилда Шомдаги Бусро вилоятининг Маждал қишлоғида таваллуд топганлар. Оталари Бусро шаҳридан, оналари эса Маждал қишлоғидан эди. Тафсир илмига оид мўътабар китоб ёзганлари учун уламолар томонидан Имоуддин дея шарафланганлар. Аллома ибн Касир илми, диндор оилада ўсдилар. У кишининг оталари Умар ибн Ҳафс ибн Касир бўлиб, ўз қишлоғларининг машҳур нотиғи, хатиби эдилар. Бўлажак аллома 4 ёшга тўлганларида оталари вафот этдилар. Оталарининг вафотларидан сўнг ҳижрий 707 йилда ёш ибн Касирнинг оиласи қишлоқдан Дамашққа кўчиб ўтишди ва “Нурий” мадрасасининг яқинига жойлашишди. Бу вақтда бўлажак олим 5 ёшда эди. Бўлажак олимнинг оиласини амакилари Абдулваҳҳоб ўз ҳимоясига олди ва акасининг оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги учун бор куч ва ғайратини аямади. Кейинчалик мазкур амакилари ҳақида ибн Касир шундай деб эслаганлар: “Бир туғишган амаким бор эдилар. Бизга ўта меҳрибон ва ғамхўр эдилар. Ўша даврдаги Суриянинг етук олимларидан бўлмиш ал-Миззийнинг қизига уйланади ва шу билан олимлар жамиятига қўшилади. 1345 йилда қайнотасининг ватани бўлмиш Миззада қурилган янги масжидда имом хатиб бўлиб тайинланади. 1366 йилда Дамашқнинг Буюк Масжидида мутахассис даражасига кўтарилади. Ҳаётининг сўнгида кўр бўлиб қолади. Кўр бўлишининг сабаби қилиб Аҳмад ибн Ҳанбалнинг Муснадини ривоятчи эмас балки мавзу бўйича тартибга солиш учун кечасилари кеч ишлаганликда қилиб кўрсатган. ҳижрий 774 йилнинг 26 Шабон пайшанба куни Дамашқда вафот этдилар. “Суфийя” қабристонида, шайхлари ибн Таймиянинг ёнига дафн этилдилар. Ибн Носируддин шундай дейдилар: “У кишининг жанозаси жуда катта маросимга айланиб кетди. Ўзларининг васиятларига биноан “Суфийя” қабристонидаги устозлари Шайхул ислом ибн Таймиянинг ёнига дафн қилиндилар”.⁴

Уламоларнинг Ибн Касир ҳақларида айтган фикрлари:

Ҳофиз Заҳабий шундай дейди: “У киши имом, муфтий, муҳаддис, фақиҳ, муфассир эдилар. Фикҳ ва ҳадисга оид матнларни ва уларнинг ровийларини батафсил ўргандилар”.

Аллома ибн Носируддин шундай дейди: “Шайх, имом, аллома, ҳофиз Имоуддин муҳаддисларнинг энг ишончлиси, тарихчиларнинг устуни, муфассирларнинг пешқадами эдилар”.

⁴ Vikipediya, ochiq ensiklopediya internet sahifasidan

Ибн Туғрий Бардий айтади: “У зот доим илм билан машғул эдилар. Фикҳ, тафсир, араб тили ва бошқа илмларда ўта моҳир эдилар. Вафот этгунларига қадар фатво бериш ва дарс беришдан тўхтамадилар”.

Ибн Ҳажар Асқалоний айтадилар: “Барча хизматга доим тайёр эдилар, ўрганган илмларининг барчасини ёддан билардилар, кишиларнинг кўнглини олишга, кайфиятларини кўтаришга жуда уста эдилар. Ёзган асарлари тирикликларидаёқ турли ўлкаларга тарқалган эди, вафотларидан кейин ҳам инсонлар мазкур асарлардан кўп фойда олдилар”.⁵

Айний айтадилар: “У зот уламолар ва хофизлар учун энг ёрқин намуна, маъно ва лафз аҳли (тилшунослар, луғатшунослар)нинг устун эдилар. Ҳадис, тафсир, тарих борасида ўта моҳир эдилар. Забт ва таҳрирда у кишига етадигани йўқ эди”.

Довудий айтадилар: “У зот матнларни ёдлашга, ҳадисларнинг санадлари, иллатлари, ровийларини билишга ҳамда тарих илмини мукаммал эгаллашга киришдилар ва йигитлик чоғларидаёқ бу нарсаларнинг моҳир билимдонига айландилар”.⁶

Илм йўли машаққат ва риёзатни талаб этади. Бунга қатъияти ва бардоши етмаган киши юксак илм чўққисини забт эта олмайди. Ибн касирнинг ҳаёт йўли ва қолдирган илмий мероси билан танишганда ислом оламида тан олинган улуғ олимлардан бири бўлганлиги бежиз эмаслигига амин бўламиз. Айниқса, алломанинг “Ихтисор улумул ҳадис” асари асрлар оша ўз қадр-қимматини йўқотган эмас. Бугунги кунда ҳам бу асарнинг ўрни ва хизмати алоҳида аҳамият касб этади. Олим кишининг обиддан афзаллиги ҳақида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар. Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида обид ва олим зикр этилди. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Олим кишининг обиддан афзаллиги, менинг сизларнинг энг куйингиздан афзаллигим кабидир”, деб марҳамат қилдилар. Мазкур ҳадис бизга яхшилик ўргатувчи кишининг нақадар улуғ мартаба ва мақомга эгалигини кўрсатиб беради. Яна имом Термизий ривоятида келтирилган бошқа бир ҳадисда: “Олимнинг обиддан афзаллиги ўн тўрт кунлик ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир. Дарҳақиқат, олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ҳам, дирҳам ҳам мерос қолдирмаган, улар фақат илмни мерос қолдиришган. Ким уни олса, катта бахтни кўлга киритибди”, дейилган. Шундан билиб оламизки, олим кишилар пайғамбарларнинг меросхўрлари ва улар илмдан бошқа нарсани мерос қолдирмайдилар.

Ўтган уламоларимиз: *“Оз ўрганиб, унга амал қилиш умрингга кифоя қилсин”*, деганлар. Биз ёшларга у зотнинг илм ва ҳадис бобидаги ғайрат ва шижоат, қобилият ва истеъдодлари юксак намунадир. Чунки ибн Касир ёшлик пайтидан Қурон, тарих ва ҳадис илмига меҳр қўйиб, уларга алоҳида эътибор қаратади ва бу борада учраган қийинчиликларни енгиб ўтади.

⁵ Юсуф Ибн Закий Абдурахмон Абул Ҳажжож Миззий. Таҳзийбу-л-камол. Ж. 6

⁶ Vikipediya, ochiq ensiklopediya internet sahifasidan

Имом ибн Касирнинг илмий меросини тадқиқ этиш ва оммага етказиш бугунги кунда жуда зарур. Шу маънода бу зотни маънавий иллатларни даволаш ва муолажа қилишда моҳир табибга ўхшатиш мумкин. Моҳир табибнинг сўзига қулоқ солган бемор ўзини қийнаётган дарддан тез фориғ бўлади. Имом ибн Касирнинг илмий меросини маънавий шифо эканлигини ҳеч бир юртдошимиз ёддан чиқармаслиги ва ундан фойдаланиши керак.⁷

Имом Ибн Касирнинг ёзган асарлари:

- “Тафсиру ибн Касир” номи билан машҳур бўлган “Тафсиру Қуръонил Карим”. Бу асар Имом ибн Касирнинг шоҳ асарларидан ҳисобланади;
- “Ал-Бидоя ван Ниҳоя”. Бу асар борлиқнинг яратилишидан тортиб ҳижрий саккизинчи асргача бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ўз ичига олади;
- “Ат-Такмил фи жарҳ ва таъдил ва маърифати сиқоти ваз зуъафай вал мажаҳил”. Бу асар “Санадлар жамланмаси” номи билан билан машҳур;
- “Ал-Боис ул-Ҳасис фи ихтисору улум ул-ҳадис”. Бу асар ибн Салоҳга тегишли “Мукаддима”нинг қисқартирилган шакли ҳисобланади;
- “Жомеъ ус-сунан вал масонид”;
- “Шарҳул Бухорий”. Бу китоб Саҳиҳ ул-Бухорийнинг шарҳи бўлиб, афсуски, бизгача етиб келмаган;
- “Сийратун Набавия”;
- “Китабу табақотуш Шофеъийя”.⁸

Улумул Қуръон соҳасида:

1. Тафсирул Қуръанил азийм;
2. Фазоилул Қуръан.

Ҳадисшунослик соҳасида:

3. Аҳадис ал-усул;
4. Шарҳу Саҳиҳил Бухорий;
5. Ат-Такмил фил жарҳ ват таъдил ва маърифатис сиқоти вал мажаҳийл;
6. Ихтисору улумил ҳадис;
7. Жомиъул масанийд вас сунанил ҳадий лиақвами сунан;
8. Муснаду Аби Бакр ас-Сиддиқ розияллоҳу анҳу;
9. Муснаду Умар ибн ал-Хаттоб розияллоҳу анҳу;
10. Ал-Аҳкам ас-Суғро фил ҳадис;
11. Таҳрийжу аҳадиси адиллатит танбиҳ фий фикҳиш шофийийя;
12. Таҳрийжу аҳадиси Мухтасари ибн ал-Ҳожиб;
13. Мухтасару китаби ал-мадҳал ила китабис Сунан лил Байҳақий;
14. Жузь фий ҳадисис сувар;
15. Жузь фир радд ала ҳадисис сижл;
16. Жузь фил аҳадис ал-варидати фий фазли айямил ушрати мин Зилҳижжа;
17. Жузь фил аҳадис ал-варидати фий қотлил килаб;

⁷ muslim.uz/index.php/hadis/item/2697

⁸ Islom.uz internet sahifasidan

18. Жузь фил аҳадис ал-варидати фий каффаротил мажлис.⁹

Фикҳ ва усулул фикҳ соҳасида:

19. Ал-Аҳкам ал-Кубро;
20. Китабус сиям;
21. Аҳкамут танбих;
22. Жузь фис солатил вусто;
23. Жузь фий мийрасул абавайни маъал ихвати;
24. Жузь физ забийҳа аллатий лам юзкар исмуллоҳи алайҳа;
25. Жузь фир радди ала китабил жизяти;
26. Жузь фий фазли явми арафа;
27. Ал-Муқоддат фий усулил фикҳ.¹⁰

Тарих ва маноқиб соҳасида:

28. Ал-Бидоя ван Ниҳоя;
29. Жузь муфрад фий фатҳил Қустантания;
30. Ас-Сийра ан-Набавия;
31. Табакот аш-Шофийийа;
32. Ал-Возих ан-Нафис фий маноқиб Муҳаммад ибн Идрис;
33. Муқаддима фил ансаб.¹¹

Алломанинг устозлари сифатида қуйидаги зотларни келтириб ўтиш мумкин:

- Қуръон илмида 730 ҳижрий йилда вафот этган ибн Ғайлон Баълабаккий ал-Ҳанбалий;
- Қироат илмида Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Лаббод. Ҳижрий 724 йилда вафот этган;
- Нахв илмида Зиёуддин Зарбандий ҳижрий 723 йилда вафот этган;
- Ҳофиз ибн Асокир ҳижрий 723 йилда вафот этган;
- Тарих илмида ал-Барзалий 739 ҳижрий йилда вафот этган;
- Ибн Замалконий 727 йилда вафот этган;
- Ибн Қозий Шихба 726 йилда вафот этган.¹²
- Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий.
- Шайх Абу Исҳоқ Иброҳим ал-Фазорий.
- Шайх Шамсуддин Абу Наср Муҳаммад аш-Шерозий.
- Шайх Шамсуддин Муҳаммад ал-Асбахоний.¹³

Алломанинг шогирдлари сифатида эса қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- Ҳофиз Алоуддин ибн Ҳожий аш-Шофеъий;
- Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳизр ал-Қураший;

⁹ Islom.uz internet sahifasidan

¹⁰ Islom.uz internet sahifasidan

¹¹ Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий./ Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи: Мирзо Кенжабек. – Т.: Шарқ, 2010.

¹² Ҳофиз Ибн касирнинг "ихтисор улумул ҳадис"

¹³ Islom.uz Нозимжон Хошимжон. "Ибн Касирнинг хаёти" мақоласидан.

- Қироат илми шайхларидан бўлган Муҳаммад ибн Абу Муҳаммад ибн ал-Жазарий;
- Ўз ўғиллари Муҳаммаб ибн Абу Муҳаммад ибн Исмоил ал Касир;
- Ибн Абул Иъзз ал-Ҳанафий;
- Ҳофиз Абул Маҳосин ал-Ҳусайний;
- Ҳофиз Зайниддин ал-Ирокий;
- Имом Зайлабий.¹⁴

¹⁴ Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Тақриб ат-Таҳзиб. – Байрут: Дор ар-Рашид, 1991.